

АЖДОДЛАР МЕРОСИ – МАЪРИФАТ ЗИЁСИ

Қадим-қадимдан олиму уламолар, мутафаккиру донишмандларнинг жамиятдаги ўрни бекиёс бўлган. Элу юрт ўзининг шундай азиз ва етук фарзандлари билан ҳақли равишда фахрланган, кўнгли тоғдай кўтарилиб, ғуруру ифтихорга тўлган. Бу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Аллоҳнинг назари тушган юртимиз – Ўзбекистон заминидан азал-азалдан ўзларининг илмий-маънавий, маърифий-фалсафий мерослари билан жумлаи жаҳонга танилган кўплаб буюк алломалар ва мутафаккирлар етишиб чиқиб, самарали фаолият кўрсатганлар. Уларнинг ақл-заковати, тафаккур дунёси ва юксак илмий салоҳиятининг маҳсули бўлган бебаҳо асарлари ва буюк кашфиётлар минг йиллар оша нафақат бизнинг диёримиз, балки жаҳон аҳлининг қудратли маънавий мулки сифатида ҳам ардоқланади. Бу умумбашарий мерос дунё тамаддуни ривожига қўшилган муносиб ҳисса бўлгани ҳозирги вақтда кенг жамоатчиликка яхши маълум. Таассуфлар бўлсинки, собиқ иттифок даврида буюк алломаларимизга нисбатан қилинган адолатсизликлар ва ноҳақликлар туфайли улар ўз мақомларига яраша қадр-қиммат кўрмаган, асарлари ҳам муносиб баҳосини топмаган эди. Бинобарин, халқимиз, кенг жамоатчилик у зотларнинг оламшумул аҳамиятга молик бой ва қимматли меросидан бебаҳра бўлиб келди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок мухтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг халқчил ва доно сиёсати туфайли, айтиш мумкинки, бу буюк зотлар ўз юрти, ўз халқи бағрига қайтиб, илм-фан ривожига юксак мақомларига яраша муносиб ҳурмат-эътибор топди. Уларнинг ибратли ҳаёт йўллари ва бой илмий-маънавий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиб, кенг халқ оммасига етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Истиқлол йилларида бу муҳим ва долзарб масалалар бўйича эътиборга молик кўплаб салмоқли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Катта мамнуният билан айтиш жоизки, 2014 йил 15–16 май кунлари қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита иштирокида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзуидаги нуфузли халқаро конференция бу йўналишда амалга оширилган том маънодаги улуғвор ишлардан бири бўлди десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Дунёнинг элликка яқин мамлакатидан таниқли олимлар, мутахассислар, экспертлар ва илмий марказларнинг раҳбарлари қатнашган ушбу анжуманда сўзлаган нутқида Президентимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг ХХI асрда жаҳон ҳамжамятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ. Бунда эса, табиийки, буюк аждодларимиз фаолияти, ҳаёти, ўлмас мероси юксак марраларни кўзлаган ёшларимиз учун ибрат мактабидир. Бу ривожлантириш Юртбошимизнинг:

“Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: “Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак”, деб айтаман. Айни вақтда “Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!”, деб такрорлайман”, деган ғоятда пурмаъно сўзлари барча илм аҳллари учун айниқса, ёшларимиз учун асосий дастуруламал бўлмоғи давр талабидир.

Дарҳақиқат, тарихга назар ташласак, Марказий Осиёга VII асрда кириб келишни бошлаган Ислом дини VIII–IX асрларда ўзининг юксак даражадаги илмий ривожланиш даврини ўтаган. Хусусан, IX асрда Марказий Осиёда ҳадис илми гуллаб-яшнади. Юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий (810–870), Имом Термизий (824/825–892), Имом Доримий (794–869) каби муҳаддислар Ислом оламида тан олинган, Қуръони каримдан кейинги манба ҳисобланади.

VIII–XII асрлар оралиғида Мовароуннаҳрда 3000дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритгани ҳам мазкур даврда исломий илмлар ривожланиш даражаси ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Ҳадисшунослик билан бир қаторда ўлкада фикҳ илми ҳам ривож топди. Абу Ҳанифа илгари сурган Ислом ҳуқуқидаги эркинлик тамойиллари ўлкамиздан чиққан Шамсул Аимма Сарахсий (1009–1094), Бурҳониддин Марғиновий (1123–1197) каби уламолар томонидан такомиллаштирилди. Имом Мотуридий (870–944) ва Абу Ҳафс Насафий (1068–1142) каби олимлар ҳанафий мазҳаби асосчисининг Ислом ақидасига оид таълимотларини ривожлантириб, мукаммал ҳолатга келтирдилар.

IX–XI асрлар эса ислом фалсафасининг ривожланиш даври бўлди, дейиш мумкин. Бу соҳада ҳам марказий осийлик алломаларнинг хизматлари улкан эканини эътироф этиш зарур. Жумладан, Шарқда “Муаллими соний” (“Иккинчи муаллим”) номини олган Абу Наср Форобий (873–950) ўзининг “Фозил одамлар шахри” асарида идеал ҷамият кишиларининг қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги ғояларни тизимли асослаб берди. Юнон фалсафасини мукаммал ўрганиб, унга монанд равишда Ислом фалсафасини ривожлантирган Абу Али ибн Сино (980–1037) табиий фанлар бўйича ҳам жаҳон илми хазинасига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшди. Абу Райҳон Беруний (973–1048) ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Сайдана”, “Қонуни Масъудий” каби асарлари орқали ижтимоий-гуманитар фанлар ва табиатшунослик илмлари ривожини юқори босқичга кўтарди.

Демак, турли илм-фан соҳаларининг ўлкамизда тараққий топиши минтақамизнинг бой маданий, маънавий, иқтисодий имкониятлар заҳирасига эга бўлгани ва аждодлар меросида маърифат зиёси нечоғлик салмоқли бўлганини тасаввур қилиш имконини беради.

Айсаков ЗОҲИДЖОН,
Тошкент шаҳаридаги Мирзо Улуғбек тумани
“Тўра бува” жоме масжиди имом-хатиби